

Маъдалихон Умархон ўгли 1808 йилда Кўконда тугилган. Унинг онаси машхур шоира Нодирадир. Маъдалихон ёшлигидан бошлаб Умархон саройининг дабдабали мухитида тарбияланди. Айш-ишрат мажлисларига, адабий ўтиришларга катнашиб ўсди. Бу адабий мажлислар унга жиддий таъсир қолдирган ва ёш Маъдалихонни «мажнун сифат», шоир табиат тарбияланишига сабабчи бўлган эди.

Маъдалихон отаси ўлгач, унинг ўрнига 1822 йилда хон кўтарилди ва 21 йил хонлик қилди.

Унинг даврида қурилиш, ариқ казиш ишлари ва маданий-адабий ишлар давом этди. Кўкондаги бир катта мадраса ва Хонарик номли канал Маъдалихоннинг номи билан боғланган. Маъдалихонга қарши бўлган гуруҳ Кўкондан қувилиб, Бухорода «Маъдали ўз ўгай оналаридан бирини хотинликка олган. Бу қофирдан Фаргонани қутқариш керак», деб ташвиқот олиб бордилар ва фитна уюштирдилар. Шу асосда Бухоро хони Амир Насруллога ариза бердилар, Халқ ўртасида Насрулло қассоб деб ном чиқарган бу хон шу қутқуларни бахона қилиб Фаргонага ҳужум қилди. Маъдалихон атрофидагилар қочабошладилар. Натижада Маъдалихон енгилиб, Амир Насруллонинг қўлига тушди. Укаси, ўгли, онаси Нодиралар билан бирликда 1842 йилда ўлдирилди.

Маъдалихон ўз замонасининг яхши шоирларидан ҳисобланар эди. У, шеърда Хон таҳаллусини ишлатар эди. Ундан бир кичик девон қолган ва шеърларининг бир қисми турли баёзларда босилган. Хон бундан бошқа яна Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» ига ўхшатиб «Лайли ва Мажнун» номли бир дoston ёза бошлаган бўлса ҳам, тамомлай олмаган. Умуман, Хон Фузулий шеърларининг каттик таъсири остида ёзар эди.

ГАЗАЛЛАР

Дирилур зор таним лаъли дурахшонингдин,
Очилур уқдаи дил гунчаи хандонингдин.

Чарх овжина бироқдим адами шуълаи ох,
Дун кеча хасрати ул сарви хиромонингдин.

Верирам истадигинг жон эса, йўх имкони,
Подшоҳим, банга чихмак сени фармонингдин.

Зарра-зарра шарари чарха чикан анжумдур,

Уда ёхкож таними оташи хижронингдин.

Катра-катра сочилур кон гежалар чашмимдин,
Рухи гулгунунг ила зулфи паришонингдин.

Гежа ўлдукча фалак ера бирокса гунашин
На ажаб шаъшаъаи меҳри дурафшонингдин.

Бир ёлон сўз ила чўх инжима, эй мохлико,
Ишк мулкини мусаххар эдажак Хонингдин.

* * *

Касб айламадим гарди рахи симбаримдин
Бир зарра дагил суд баним чашми таримдин.

Нарм этмади котти дилини сочилан ашким,
Афсус баним тоша соташкон гухаримдин.

Ул золими огох сонур холима кўнглум
Бечора хабардор дагил беҳабаримдин.

Бинг булбули хомуш эдарам ўлмаса вахмим
Ким инжила гулрух санамим нолаларимдин.

Охим ўди меҳрингда сурайёя эришди,
Эй мох, сокин чарха буроҳан шараримдин.

Хоннинг дили пурхунина рахм ила мурур эт,
Гездукда сабо ул юзи гулбарги таримдин,

* * *

Охким дўкди фалак коними мижгонимдин,
Килмади бок дамодам дўкулан конимдин.

Мавжи тўфони бало бошима дўндурди фалак
То жудо этди хазин жоними жононимдин.

Кўнглими сели бало бирла хароб этди сипехр,
Бўлур обод губори дили вайронимдин.

Кечалар гунча каби кўнглими кон богладуги,
Субхлар зохир ўлуб чоки гирибонимдин.

Охким хажр туни кочди дилим хасратидин,
Соя хам кетди фирокинг кечаси ёнимдин.

Шамъ узун тил била ёнмиш, негаким зулми ўди
Хаддим эрмас демага гуссаи пинхонимдин.

Эй кўнгул, сонмаки зоил бўлур ошуфталигим
Жамъ кил хотиринги холи паришонимдин.

Субх-ла дидаи гирёнима рахм айла, сабо,
Бир хабар бер менга ул гунчаи хандонимдин.

Хон каби махвашим шамъи рухин ёд эдарам,
Ёнажакдур фалак охи дили сўзонимдин.

* * *

Ойру душдим яна ул гунчаи хандонимдин,
Нўла гар тинмаса эл нолаю афгонимдии.

Дамбадам орази ёди ила ашким гухари
Катра-катра сочилур дидаи гирёнимдин.

Кетди алдин хами зулфию паришон ўлдум,
Вокиф ўлмаз баним ахволи паришонимдин.

Рўзгорим корадур зулфи киби ул мохинг
То кадам чекти баним кулбаи ихзонимдин.

Эй сабо, куйина гар душса гузоринг ногох
Веракўр бир хабар ул сарви хиромонимдин.

Бош чекар шуълаи охим шарари гардуна,
Хазар этмазми фалак оташи сўзонимдин.

Жисми зорим ўда ёндирди гами пинхони,
Охким огох эмас ул гами пинхонимдин.

Яшуруб ер юзини сийми сиришким гухари,
Неча йилдурки кетиб сиймбарим ёнимдин.

Нўла Хонинг киби гар узсам илик жонимдин
Гардиши чарх айирди бани жононимдин.

МУХАММАС

Паричехралар кўп жафо килдилар,
Гаму дард билан мубтало килдилар,
Мухаббат била ошна килдилар,
Мени рўзгорим каро килдилар,
Жафокорлардур, жафокорлар.

Алар ишкида хастаю зормен,
Каро кўзлари бирла бемормен,
Жафо тигидин багри афгормен,
На зулм этсалар жонима, ёрмен,
Дилозорлардур, дилозорлар.

Шахи мулки Хомун килурлар мени,
Бу дашт ичра Мажнун килурлар мени,
Сиришкимни Жайхун килурлар мени,
Кўзим ёши гулгун килурлар мени,
Ситамкорлардур, ситамкорлар.

Чу мен коши ёларни курбониям,
Гирифтори зиндони хижрониям,
Бу котиллари асру хайрониям,
Алар куштаи тиги паррониям,
Бу хунхорлардур, бу хунхорлар.

Кадим хамлиги кошлари ёсидин,
Хароб ўлмагим чашми шахлосидин,
Кўзим кони лаъли тамошосидин,
Жунуним ўшал зулф савдосидин,
Нигунсорлардир, нигунсорлар.

Кўзингдур менга фитна барпо килан,
Бошим узра юз шўру гавго килан,
Мени олам ахлига расво килан,
Кўнгул махзани ичра ягмо килан,
Бу айёрлардур, бу айёрлар.

Чаманда хиром айламиш ул пари,
Килиб жилва андоки кабки дари,
Юз устида гул баргидин чодари,
Боши узра солмиш кизил меъжари,
Гули норлардур, гули норлар.

Ажойиб ки бу бир неча дилрабо,
Демасларки бу шох эрур, ё гадо,
Агарчанд хони замонам, банго,
Хама элдин ортик килурлар жафо,
Ажаб ёрлардур, ажаб ёрлар.